

АНВАР ҲОЖИАҲМЕДОВ

МАҲАЛЛА ОДОБИ



ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ХАЛҚАРО ЖАМФАРМАСИ
РЕСПУБЛИКА «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ

АНВАР ҲОЖИАҲМЕДОВ

МАҲАЛЛА ОДОБИ

*(Жамоат бўлиб яшаш одоби ҳақидаги
ҳадислар асосида)*

**«ШАРҚ» НАШРИЕТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2001**

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р л а р:
сиёсий фанлар доктори, профессор
Зоҳидилло Мунавваров,

ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор
Шухрат Жалилов

Қўлингиздаги рисолада маҳалладошлар муносабати Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг жамоат одоби ҳақидаги муборақ ҳадисларига асосланиб ёзилган. Ундан баҳраманда бўлган китобхонлар маҳалла аҳилиги ва осойишталигини таъминлашда маҳалладошлар ахлоқи нечоғлик юксак аҳамият касб этишига яна бир бор иқрор бўладилар, деб ўйлаймиз.

Ҳожиаҳмедов, Анвар.

Маҳалла одоби: (Жамоат бўлиб яшаш одоби ҳақидаги ҳадислар асосида) / Масъул муҳаррирлар: З. Мунавваров, Ш. Жалилов.— Т.: «Шарқ», 2001.— 48 б.

Сарлавҳада: Имом Ал-Бухорий халқаро жамғармаси. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси.

ББК 87.77

МАҲАЛЛА — АДОЛАТ МАСКАНИ

Маҳалла, бу — ҳар биримизнинг киндик қонимиз тукилган муқаддас маскан, табаррук замин: Шу сабабли, у «кичик Ватан» деб ҳам аталган. Халқимизда жамоа бўлиб яшаш ўзининг узоқ тарихий илдиэларига эга. «Айрилмагин элингдан, қувват кетар белингдан», «Эл тилагин тилагин, синиқ кўнглин сийлагин», «Элга кўшилсанг, эр бўласан, элдан ажралсанг, ер бўласан», «Халқ ҳукми — Ҳақ ҳукми», Ҳашар — элга ярашар», «Эл боқса бахтинг кулар, эл боқмаса тахтинг кулар», «Элдан айрилгунча, жондан айрил», «Гидам сотсанг, кўшнингга сот, бир четида ўзинг ўтирасан», «Ён кўшни — жон кўшни» каби ҳикматлар ҳам халқимизнинг турмуш тарзидан келиб чиқиб шаклланган.

Шўролар даврида маҳаллаларга деярли эътибор йўқ эди. Шу сабабли «маҳалла» деган миллий қадриятимиз унутилаёзган эди. Мустақиллик насими маҳаллага қайта жон бахш этди. Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси тузилди. Бошқа миллий қадриятларимиз билан биргаликда, маҳаллалар фаолияти ҳам қайта тикланиб, оёққа турди. Унинг ҳуқуқий асослари яратилди. Маҳаллаларнинг фаолият доираси кенгайтирилиб, уларга илгарилари туманларнинг ижроия кўмиталари томонидан кўриб чиқиладиган қатор ижтимоий масалаларни ҳал этиш ваколати берилди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: «Маҳалла ҳозир халқ ишончини қозонган адолат маскани ҳамда аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш механизми бўлиб қолди».

Мустақиллик йилларида маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган миллий-диний қадриятларимиз ҳам тикланиб, халқимизга қайта бошлади. Тарихимизни ўрганишга, ўзлигимизни англаб етишга кенг имкониятлар очилди. Қуръони каримдан кейин иккинчи манба деб эътироф этилган Имом ал-Бухорийнинг ишончли ҳадислар тўплами «Ал-Жомий ас-Саҳиҳ» («Ишончли

тўплам») ўзбек тилига таржима қилинди. Халқимиз диний мавзулар ёритилган манбалар билан ўз она тилида танишиш бахтига муяссар бўлди.

Қуръони карим оятларида ҳам, ҳадиси шарифларда ҳам, қолаверса, буюк алломаларимизнинг табаррук меросларида ҳам маҳалла бўлиб яшаш, қўни-қўшничилик ҳақ-ҳуқуқлари, одоблари ҳақида жуда кўп ҳикматлар мавжуд.

Этиборингизга ҳавола этилаётган ушбу китоб Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси ва Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан ҳамкорликда тайёрланган илмий-амалий лойиҳанинг маҳсулидир. Унда халқимизнинг қадимий қадриятларидан бири бўлмиш маҳалла, унинг жамиятимиз, баркамол инсон тарбиясидаги беқиёс ўрни ҳақида сўз боради. Рисоланинг мазмуни, асосан, ибратли ҳадислар билан йўқрилган. Ундан баҳра олган юртдошларимиз маҳаллалар фаолиятида янада фаолроқ қатнашиб, демократик фуқаролик жамияти қуришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деган эзгу ниятда қоламиз.

Ш. ЖАЛИЛОВ

Республика «Маҳалла»
хайрия жамғармасининг
раиси

З. МУНАВВАРОВ

Имом ал-Бухорий
халқаро жамғармасининг
раиси



Bu tanishuv parchasidir. Asarning toʻliq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/4337> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4337> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную
версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4337>